



# Тошкент Оқшомми

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 145 (11.956)

Баҳоси эркин нарҳда



## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Маълумки, инсон ўзини анлагани, тарихини чуқурроқ билгани сари Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб боради. Бу илдиз қанчалик чуқур бўлса, тугилиб ўсган юртга нисбатан меҳр, садоқат тушунчалари ҳам шу қадар юксак бўлади. Ўтмишдан аёнки, томирида миллий гурур, Ватанга муҳаббати тўши урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади.

## ҚАДРИЯТЛАРИ ҚАДР ТОПГАН ЮРТ



Мустақиллик – ўзлимизни, тилимизни, бебаҳо маданий қадриятларимизни улуғлаш каби муқаддас туйғуларни ўзида жо айлаган ота-боболаримизнинг хотираларини тиклаш, шу йўл билан уларнинг руҳларини шод айлаш имконини ҳам берди.

Бугунги кунда кўплаб кўча ва хиёбонлар, метро ва автобус бекатлари улуғ аждодларимизнинг номлари билан аталади. Биз, бугунги кунда юртимизнинг ҳар бир бурчагида, барча шаҳар ва овулларимиз қиёфасида Ватанимиздан фахрланиш ҳиссини туйиб, фаровонлигимиз таъминланиб, қалбларимиз яшнаётди. Мустақиллик фарзандлари эса ҳар томонлама камол топиб улғайтирлар.

Дарҳақиқат, бу каби остонаси нурафшон, халқи фаровон, осмони мусаффо юртга тўю томоша ярашади.

Айни кунларда Республикаимиз бўйлаб Мустақиллигимизнинг йигирма йиллигини кенг миқёсда нишонлашга бағишланган «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида кўплаб маърифий-маданий тадбирлар ўтказиб келинаётди.

Юртимиз камолини акс эттирувчи, мамлакатимиз фаровонлигини намойён



қилувчи ана шундай байрамона дастурлардан бири Олмазор туманида жойлашган Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳам бўлиб ўтди.

Ушбу тадбир Олмазор туман хотин-қизлар кўмитаси, «Ёшлик» талабалар шарафисоҳиблари, «Маҳалла» жамғармаси, Халқ таълими, тиббиёт бирлашмаси, «Камолот» ЁИХнинг туман бўлими, Маданият ва спорт ишлари ҳамда Маънавият тарғибот маркази туман бўлими хамкорлигида ташкил этилди. Шунингдек, туманда жойлашган корхоналар ҳамда кичик бизнес соҳаси вакиллари, тадбиркорлар ўз кўрсалмалари билан иштирок этиб, йирилганларнинг дилларини қувончга тўлдирди.

Қалбларни яйратувчи тадбирда туман аҳолиси ва ёшлари учун эл суйган санъаткорларнинг дилларни ошуфта айлагувчи тароналари янгради. Адабиёт, санъат, маданият намояндалари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, «Янги авлод», «Келажақ овози» танловлари, фан олимпиадалари ғолибларининг чиқишлари эса тадбирда иштирок этган барча йигит-қизларда келажак учун интилиш ҳиссининг янада ортишига хизмат қилди.

Тумандаги барча маҳаллаларда истикомат қилаётган оилалар ушбу байрамда иштирок этдилар. Ҳатто хорижликлар ҳам бизнинг урф-одатларимиз ва маънавий қадриятларимизга тан бердилар, — дейди «Чуқурсой» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалар бўйича маслаҳатчиси Дилбар Рўзиметова. — Илгарилари бундай осойишта, эмин-эркин кунларни фақатгина оруз қилганмиз. Мустақиллик ҳақон ҳавас билан боқётган қадриятларимизни тиклаш имкониятини берди. Юртбошимиз раҳнамолигида шундай кунларга етиб келдик. Эртасини ўйлаган юртинг келажаги мустақам, ҳар бир кун фаровон бўлади.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Албатта, жаҳон-кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетақдор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яққо ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга аталган. Мана шу улуғ туйғу ҳар биримизнинг дилимизда жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланишини истардим».

Тадбир сўнгида юз билан юзлашган, онахонлар ва қалбларидан шукроналик ҳисси уфуриб турган отахонлар юртимизга бундан-да улкан зафарлар ёр бўлсин, дея ўсиб келаётган ёш ниҳолларга оқ йўл тиладилар.

Мухтасар қилиб айтганда, бу каби туйғулар бугун ҳар бир инсоннинг қалбига кундан-кунга чуқур илдиз отиб бормоқда. Шиддат билан ривожланиб бораётган замонда Ўзбекистон аталмиш жаннатмакон ўлка ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳолда шаклланиб, порлоқ келажак йўлида шаҳдам қадам ташлаб, дунё миқёсда ўзининг мустақам ўрнига эга бўлаётди.

**Садоқат АСЛАНОВА**  
Козим Ўлмасов олган суратлар

жак учун интилиш ҳиссининг янада ортишига хизмат қилди.

Тумандаги барча маҳаллаларда истикомат қилаётган оилалар ушбу байрамда иштирок этдилар. Ҳатто хорижликлар ҳам бизнинг урф-одатларимиз ва маънавий қадриятларимизга тан бердилар, — дейди «Чуқурсой» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалар бўйича маслаҳатчиси Дилбар Рўзиметова. — Илгарилари бундай осойишта, эмин-эркин кунларни фақатгина оруз қилганмиз. Мустақиллик ҳақон ҳавас билан боқётган қадриятларимизни тиклаш имкониятини берди. Юртбошимиз раҳнамолигида шундай кунларга етиб келдик. Эртасини ўйлаган юртинг келажаги мустақам, ҳар бир кун фаровон бўлади.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Албатта, жаҳон-кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетақдор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яққо ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга аталган. Мана шу улуғ туйғу ҳар биримизнинг дилимизда жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланишини истардим».

Тадбир сўнгида юз билан юзлашган, онахонлар ва қалбларидан шукроналик ҳисси уфуриб турган отахонлар юртимизга бундан-да улкан зафарлар ёр бўлсин, дея ўсиб келаётган ёш ниҳолларга оқ йўл тиладилар.

Мухтасар қилиб айтганда, бу каби туйғулар бугун ҳар бир инсоннинг қалбига кундан-кунга чуқур илдиз отиб бормоқда. Шиддат билан ривожланиб бораётган замонда Ўзбекистон аталмиш жаннатмакон ўлка ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳолда шаклланиб, порлоқ келажак йўлида шаҳдам қадам ташлаб, дунё миқёсда ўзининг мустақам ўрнига эга бўлаётди.

**Садоқат АСЛАНОВА**  
Козим Ўлмасов олган суратлар

## ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ

**Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан жойларда «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида турли маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.**

Юнусобод туманида қирқдан зиёд умумий ўрта таълим, болалар муҳаббат ва санъат, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, «Баркамол авлод» маркази фаолият кўрсатмоқда. Бу йил тумандаги умумтаълим мактабларининг 9-синфини салкам 5200 нафар ўқувчи тамомлади. Улар таълимнинг кейинги босқичига тўла қамраб олинди.

Тадбирда янги ўқув йили аввалида барча ўқув муассасаларида ўтказилиши кўзда тутилаётган илк ма-

шгулот – «Мустақиллик дарси»ни юксак савияда ташкил этиш, ўқув йилига пухта тайёрлик қўриш билан боғлиқ масалалар ҳусусида атрофлича сўз юритилди. Болалар ёзи оромгоҳларининг энг намунали тўғарак раҳбарлиги диплом ва совғалар топширилди.

**Назокат УСМОНОВА,**  
ЎЗА мухбири

## АБДУРАҲМОН АЛ-ШАЙА: ЎЗБЕКISTON – ЖАҲОН ИЛМ-ФАНИ РИВОЖИГА БЕНАЗИР ҲИССА ҚЎШГАН БУЮК АЛЛОМАЛАР ВАТАНИ

**Ўзбекистон Республикаси ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги ўртасидаги алоқалар изчил тараққий этмоқда. Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида ЎЗА мухбири Саудия Арабистони Подшоҳлигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Абдураҳмон Ал-ШАЙА билан суҳбатлашди.**

– Элчи жаноблари, суҳбатимиз Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида ўтмоқда. Мамлакатимизда истиқлол йилларида эришилган ютуқлар ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик.

– Яқинда Ўзбекистон мустақилликка эришганига 20 йил тўлади. Ўзбекистон ўтган давр мобайнида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади. Истиқлол имкониятларидан оқилона фойдаланаётган мамлакатингиз барча соҳаларда жадал янгиланишларни амалга оширмоқда. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ҳаётга татлиқ этилаётган кенг қамровли, изчил ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётди.

Саудия Арабистони ўзбек халқининг ўз миллий ҳусусиятларидан келиб чиқиб танлаган тараққиёт йўлига, мустақиллиқни мустақамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларига катта ҳурмат билан қарайди ва қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон – Марказий Осиёнинг юраги. Ушбу муқаддас заминда илм-фан тараққиётига беназир ҳисса қўшган Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Мирзо Улуғбек каби буюк алломалар етишиб чиққан. Ўзбекистон раҳбариятининг аждодларингиз қолдирган бой маданий меросни кўз қорачиқидек асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш борасида амалга ошираётган хайрли ишлари Ўзбекистоннинг изчил ривожланиб, нуфузи тобора юксалиб бораётганида муҳим омиллардан бўлмоқда, дейиш мумкин.

Мамлакатингизда иқтисодий муттасил ривожланиб бораётган, халқнинг турмуш даражаси тобора юксалмоқда. Энг асосийси, Аллоҳ назари тушган бу гўзал ва муқаддас диёрда тинч ва осойишта ҳаёт ҳукм сурмоқда.

(Давоми 2-бетда)

## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Кеча пойтахтимиздаги «Le Grande Plaza» меҳмонхонасида «Шарқ тароналари» саккизинчи халқаро мусиқа фестивали олдидан матбуот анжумани ўтказилди. Унда мазкур нуфузли фестиваль ташкилий гуруҳи томонидан тадбирни ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳусусида оммавий ахборот воситалари ходимларига маълумотлар берилди.

• Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар саройида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловининг Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги тизимидаги якуний босқичи ҳамда умумармия кўшиқлар фестивали бўлиб ўтди. Унда ҳарбий гарнизон ва округлар, ҳарбий қисм ва муассасаларнинг профессионал ҳамда ҳаваскор жамоалари ижрочилари иштирок этди.

• Самарқандда Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги муносабати билан «Энг намунали ФХДЭ бўлими» ва «Энг намунали инспектор» кўрик-танлови ўтказилди. Вилоят адлия бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда шаҳар ва туманларда фаолият кўрсатаётган йигирмадан зиёд фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари ва уларнинг инспекторлари иштирок этди. Танловда ФХДЭ бўлимларининг аҳоли билан ишлаш, ҳужжат юритишдаги фаолиятига баҳо берилди. Инспекторлар эса ўзлари меҳнат қилаётган муассаса ҳақида маълумот бериш билан бирга соҳага оид қонунчиликка доир билимларини синовдан ўтказди. Никоҳни қайд этиш маросими кўргазмали тарзда намойиш этилди.

• Навоий вилоятининг Учқудуқ туманидаги «Жускудук» ширкат хўжалиги аҳолиси ичимлик сувидан узлуксиз фойдаланиш имконига эга бўлди. Бунинг учун бу ерда тик қудуқ қазилиб, бир ярим километр масофага сув қувури тортилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида олис чўл худудларида ана шундай ўн битта ер ости насоси қурилиб, ишга туширилди. 17,3 километр масофага сув тармоқлари тортилди. Мазкур мақсадлар учун 1 миллиард 110,4 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

• Оққўрғон туманидаги «Умид Хайдар кўли» фермер хўжалиги жамоаси банкнинг 10 миллион сўмлик кредити эвазига сунъий ҳавза ташкил этиб, балиқчиликни йўлга қўйди. Ҳозир бу ҳавзага 5 минг донага яқин балиқ чавоқлари ташланди. Натижада жорий мавсумда 10 тоннагача балиқ етиштириш имконияти юзага келди. Таъкидлаш жоизки, шу йилнинг ўтган даврида тармоққа қаратилаётган эътибор тўғрисида маълумотларга қараганда, 10 та балиқчилик хўжалиги ўз фаолиятини бошлади.

• Андижон вилоятидаги «Ягона шарқ замини» хусусий корхонаси Қўрғонтепа туманида жорий йилнинг ўтган олти ойида ташкил этилган тадбиркорлик субъектларидан бири ҳисобланади. Бу ерга 100 миллион сўмликка яқин маблағ эвазига хориждан сутни қайта ишлайдиган замонавий технология олиб келиб, ўрнатилган эди. Ўн киши меҳнат қилаётган мазкур корхонада дастлабки 30 миллион сўмликдан зиёд махсулот буюртма асосида мижозларга етказиб берилди. Эътиборлиси, бундан олти йил муқаддам туманда 535 та кичик бизнес субъекти мавжуд бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 2609 тага етди.

## ЖАҲОНДА

• Кунга кеча 150 минг нафар Норвегия фуқаролари икки марта содир этилган террорчилик ҳаракати натижасида ҳалок бўлганлар хотирасини ёд этиш мақсадида шаҳар кўчаларига чиқди. Сўнги маълумотларга қараганда, ушбу теракт натижасида 76 нафар одам ҳаётдан кўз юмган.

• АКШнинг Калифорния штатида яшаган, ўзи ихтиро қилган «Барби» номли кўғирчоқлари билан бутун дунёга машҳур бўлган 95 ёшли Эллиотт Хэндлер ўз уйида юрак хуружидан вафот этди.

• Австриянинг Зальцбург шаҳрида ёз мавсумининг саратонида қор ёғишидан ҳайратланган ҳукумат фавқулодда ҳолат эълон қилиб, қор ва муз тозаловчи техникаларни ишга солди.

• НАТОнинг ҳарбий ҳаво кучларига қарашли вертолётчи Афғонистон жанубидаги Кунар музофотида портлатиб юборилди. Бундан хабар топган кутқарувчилар ҳалокат содир бўлган жойга етиб келганларида номаълум шахслар томонидан ўққа тутилди. Ҳалок бўлганлар сони маълум эмас.

## ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Республикаимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги олдидан Адлия вазирлиги ташаббуси билан «Наврўз» никоҳ уйида «Мен буюк ва муқаддас Ватанимизни севаман!» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

✓ **БУГУН** Сергели туманидаги «Хонобод» маҳалласида Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан Истиқлолимизнинг 20 йиллигига бағишлаб барпо этилган «Келажақ авлод» болалар боғининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Миллий матбуот марказида Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари ва уларнинг олдидан турган асосий вазифалар мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.



# БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

## ИЛМИЙ АСОСЛАНГАН ЯНГИЛАНИШЛАР (1995 йил)

Йил воқеаларга бой бўлди. 8 ва 22 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда халқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловнинг иккинчи ва учинчи тури бўлиб ўтди. Амалда бу мустақилликка эришганимиздан кейинги биринчи парламент ва маҳаллий кенгашларга сайлов эди.

18 февралда Тошкентда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг биринчи таъсис съезди бўлиб ўтди. Партиянинг Низом ва Дастури тасдиқланди. Орадан тўрт кун ўтиб, мазкур партия нашри сифатида «Адолат» газетаси чиқа бошлади.

28 февралда Ўзбекистон халқаро хусусийлаштириш ва инвестиция банки – «Ўзприватбанк» ўз фаолиятини бошлади.

Март ойида «Тошқишлоқмаш» заводидида пичан йиғувчи комбайнлар серияли равишда ишлаб чиқарила бошлади. Бунинг аҳамияти шундан иборат эдики, биз галла мустақиллиги сари дадил қадамлар ташлай бошлаган эдик. Амалда галла майдонлари йил сайин кўпайиб, пичан йиғувчи комбайнларга эҳтиёж ҳам ошиб бораётган эди.

Март ойида Тошкентда «Атроф-муҳитни сақлаб қолиш – Ўрта Осиё давлатлари учун келажак вазираси» мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

Ўзбекистон энди ўзини ўзи бошқариш, ўз тараққиётини ўзи таъминлаш, ўз қаддини ўзи ростлаш ҳуқуқига эга эди. Ҳўш, бу давлатни ким бошқаради? Миллий давлатчилик қай йўсида такомиллаштириб борилади? Давлат ва жамиятни бошқариш илми қерда ўргатилади? Қайси илм даргоҳида раҳбар ва ташкилотчи кадрлар тайёрланади?

Ана шу масалалар ўз ечимини кутар эди. 1995 йилнинг 19 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ташкил этилди. Мана, 16 йилларда, академия давлат ва жамоат ташкилотларида фаолият олиб боришга йўналтирилган магистрлар тайёрлайди.

Бундан ташқари, бу академия сиёсий, иқтисодий, маънавий йўналишдаги турли фанлар ривожланаётган кучли бир илмий марказга ҳам айланиб улгурди. Масалан, куни-кеча «Oqiluvchi» нашриёт-матбаа ижодий уйи ана шу академия олимлари, Миллий ғоя ва мафкура йўналиши маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази мутахассислари билан ҳамкорликда «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» деган қўланма тайёрлаб, чоп этди. Бу нашр аҳолининг барча қатламлари орасида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма йиллигига бағишлаган ўтказилган маънавий-маърифий тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боровчи барча мутахассислар ва кенг жамоатчилик фойдаланиши учун мўлжалланган. Бинобарин, у шу кунларда Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича чиқарилаётган олимлар, шоир ва ёзувчилар, сиёсатчилар, санъаткорлардан иборат жамоатчи тарғиботчиларига зарур дастуруламал бўляпти. Чунки унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йиғирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорининг мазмун-моҳияти ёритиб берилган.

1995 йил апрелида Тошкентда республикада биринчи хусусийлаштириш ва инвестициялар бўйича Ўзбекистон халқаро банки («Ўзбекхусусийбанк») очилди.

15 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Исломни тадқиқ қилиш бўйича Халқаро марказ ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

25 майда Мурунговда «Зарафшон – Ньюмонт» қўшма корхонаси фойдаланишга топширилди.

5 июнда Андижон муҳандислик иқтисодий университетини ташкил этилди.

Мамлакатда сиёсий ислохотлар фаоллашган эди. Шу йили 18 февралда «Адолат» социал-демократик, 3 июнда эса «Миллий тикланиш» демократик партиясининг таъсис курултойти бўлиб ўтди. Уларнинг газеталари (22 февраль, 10 июнь) чиқа бошлади.

14 – 20 июнь кунлари Тошкентда биринчи савдо-саноат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда 85 дан зиёд давлат, акциядорлик, хусусий ва қўшма корхона иштирок этди.

7 июлда «Кизилкумодирметаллолтин» давлат концерни (2004 йилнинг 19 майдан Навоий кон-металлургия комбинати) қошида Навоий давлат кончили институтини ташкил этилди. Шу кунини Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди – «Бизнес-фонд» нодавлат тузилмаси – очик турдаги акциядорлик жамияти тузилди.

Банк тизимини бозор иқтисодийёти қонуниятлари ва талаблари асосида такомиллаштириш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланар эди. Бу, жумладан, турли йўналишларга ихтисослашган ҳар хил янги банклар очилиши тақозо этар эди. 27 июлда ихтисослаштирилган акциядорлик тижорат банки – «Пахтабанк» иш бошлади. 28 июлда эса Ўзбекистон банклари ассоциацияси ташкил этилди. 31 августда Ўзбекистон Республикаси Осиё тараққиёт банкига аъзо бўлди. 7 сентябрда эса Тошкентда «Замин» ихтисослаштирилган давлат-акциядорлик ипотека банки ташкил этилди. 7 ноябрда эса ихтисослаштирилган «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки ўз фаолиятини бошлади.

Июль ойида Хоразм вилоятининг Богот туманида Буюк Британия билан ҳамкорликда табиийёти момиги ишлаб чиқарадиган корхона, Фаргона вилоятининг Марғилон шаҳридаги «Ипакчилик» акциядорлик жамиятида пилла чиқиндиларидан қимматбахо ип иш-



лаб чиқарадиган «Спиннинг-Силк» Ўзбекистон – Италия қўшма корхонаси, 17 августда эса Кўқонда спирт заводи ўз фаолиятини бошлади.

24 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари тўғрисида»ги қарори чиқди. 30 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 3-сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди ҳамда «Меҳнат шухрати», I ва II даражали «Шон-шараф» орденлари таъсис этилди.

Шу ойда Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринаси қабул қилинди. 1994 йил 15 августда Ўзбекистон Куролли Кучлари академияси ташкил этилган эди. 1995 йил 2 сентябрда шу ўқув даргоҳининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

7 сентябрда Ўзбекистон альпинизми тарихида биринчи марта Республика Давлат спорт қўмитаси альпинистлари гуруҳи иккита баланд чўққи – Хонтангри (6.995 метр) ва Фалаба (7.439 метр) чўққиларини забт этишди.

Ой сайин мамлакатимизнинг халқаро алоқалари кучайиб, жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнинимиз мустақамлашиб бораётган эди. 26 августда Тошкентда Ўзбекистон ҳукумати билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида Меморандум имзоланди. 15 – 16 сентябрь кунлари Тошкентда Марказий Осиёда хафсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича Халқаро семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда БМТ, Европа Хафсизлик ва Ҳамкорлик кенгаши, Ислом конференцияси ташкилотини, БМТ Хафсизлик Кенгашида иштирок этувчи мам-

золанди. Шу асосда кейинги йили 33 жилдли «Хотира» китоби (кейинчалик унга қўшимча тарзида яна икки жилд чиқди), ўзбек ва рус тилларида мамлакатимиз халқининг урушдаги ва жанггох ортидаги жасоратлари баён қилинган махсус умумлашма жилд ҳам нашр этилди.

Бир халқнинг мустамлака исканжасидан қутулиб, истиқлолга эришуви ва уни мустақамлаши – мураккаб тарихий жараён. Бунда энг муҳим масала – стратегияда адашмаслик.

Ўзбекистон Республикаси стратегик мақсадларни қўзлаганини, ўз мустақил йўлини танлаб олганини жаҳон ўша 1995 йилларга келиб тўлиқ англаб етди.

Мамлакат энди иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлига ўтган эди. Президент Ислом Каримовнинг шу 1995 йили «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган китобининг айнан «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» деб номланиши қатъий мантқидий асосга эга эди.

Асар – «Муқаддима» ва икки мустақил қисмдан иборат.

«Муқаддима»да муаллиф мамлакат олдида турган асл мақсади куйидагича ифодалайди: «Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодийётига, очик ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир».

Асарнинг биринчи қисми «Иқтисодий ислохотлар биринчи босқичининг асослари ва сабоқлари» деб номланади. У, ўз навбатида, куйидаги фаслларга бўлинган:

- 1.1. Иқтисодий ислохотлар стратегияси ва йўлини шакллантириш механизми.
- 1.2. Иқтисодий ислохотлар ҳуқуқий негизининг барпо этилиши.
- 1.3. Давлат мулкни хусусийлаштириш ва қўл ўқладий иқтисодийёт асосларини шакллантириш.
- 1.4. Қишлоқ хўжалигини ислох қилиш, аграр муносабатларнинг янги турини шакллантириш.
- 1.5. Институционал ўзгаришлар ва бошқарувнинг маъмурий-бўйрқубозлик тизимини тутатиши.

2.1. Нархларни эркинлаштириш ва бозор инфраструктурасини шакллантириш.

2.2. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиш.

2.3. Ишончли ижтимоий кафолатларнинг таъминланиши.

2.4. Халқнинг маънавий-руҳий тикланиши – иқтисодий ислохотларнинг ижтимоий негизидир.

2.5. Иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг таъминланиши – ислохотлар биринчи босқичининг энг асосий яқуни.

«Иқтисодий ислохотлар иккинчи босқичининг вазифалари ва устувор йўналишлари» деб номланган иккинчи қисм эса куйидаги фасллардан ташкил топган:

- 2.1. Хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва рақобатчилик муҳитини шакллантириш – иқтисодий ислохотлар иккинчи босқичининг асосий вазифаси.
- 2.2. Макросиёсийёти барқарорлаштиришга эришиш – иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги даврдаги устувор вазифасидир.
- 2.3. Миллий валюта қадрини ошириш – иқтисодий ислохотлар иккинчи босқичининг ҳал қилувчи муаммоси.
- 2.4. Чуқур таркибий ўзгаришларга эришиш – барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий шарти.
- 2.5. Мақсадимиз – кучли ижтимоий кафолатни таъминловчи демократик давлатни қарор топтириш.

Ана шу мундариждан ҳам кўриниб турибдики, давлат раҳбари ҳар бир масалада мамлакатнинг айнан 1995 йилги вазиятидан келиб чиқиб фикр-мулоҳаза юритади. Маълум бўладики, 1995 йилдан эътиборан Ўзбекистонимизда ислохотларнинг иккинчи босқичи бошланган. Буни асар муаллифининг мана бу сўзлари ҳам тўла тасдиқлайди: «Биз республикада вужудга келган вазиятга ҳақиқий баҳо берар эканмиз, Ўзбекистон ўз давлатчилик-сиёсий ва иқтисодий қурилишида сифат жиҳатидан янги босқичга қадам қўйганини алоҳида таъкидлашга ҳақлиммиз».

Бу асар яна шундан далолат берадики, Ўзбекистон Республикаси Президентини истиқлолнинг ҳар бир йилида ислохотлар жараёнларини илмий таҳлил қилиб, махсус асарларида муҳим-муҳим хулосаларини баён этиб борди. Шу тарихи ислохотларнинг истиқболлари ҳам белгилаб берилди.

Агар мазкур асарда мамлакатда 1994 йили 1993 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 96,5 фоизни, ҳосил қилинган миллий даромад 92,6 фоизни ташкил этган бўлса, саноат маҳсулотини ҳамми 101 фоиз бўлгани қайд этилади. Биз шу тарихи ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича, жаҳонда кучли молиявий-иқтисодий инқироз кечаётганига қарамай, кейинги йилларда йилга 8 – 9 фоизлик ўсишга эришиш мўлжалланган.

Бу ютуқ, шубҳасиз, истиқлол даврида олиб борилган илмий асосланган ислохотлар орқали қўлга киритилди.

Султонмурод ОЛИМ  
(Давоми бор)

## АБДУРАҲМОН АЛ-ШАЙА: ЎЗБЕКИСТОН – ЖАҲОН ИЛМ-ФАНИ РИВОЖИГА БЕНАЗИР ҲИССА ҚЎШГАН БУЮК АЛЛОМАЛАР ВАТАНИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Дунёнинг айрим мамлакатларида ҳамон кузатилаётган молиявий-иқтисодий таназзул даврида давлатнинг раҳбари қатъий ишонч билан ўз вақтида аниқ ва тўғри амалга оширган Инқирозга қарши чоралар дастури самарасида Ўзбекистон иқтисодийётига путур етмади. Шунинг алоҳида таъкидлашни истардимки, Президент Ислом Каримов узокни қўзлаб юритаётган оқилона сиёсат самарасида бугун мамлакатингиз нафақат иқтисодийётида, балки барча соҳаларда изчил тараққий этмоқда.

– Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик қўламини қандай баҳолайсиз?

– Саудия Арабистони Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди. Халқларимизни азалий дўстлик, ўхшаш маданият, урф-одатлар ва қадриятлар боғлаб туради. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик савдо-иқтисодий, сарможий, илмий-техникавий, ижтимоий-маданий каби қўллаб-қувватловчи ислохотларнинг мунтазам равишда ижро этилиши билан мамлакатларимизнинг иқтисодий ривожланиши ҳамда давлат раҳбарларининг учрашувида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

2006 йили Ар-Риёддаги Подшоҳ Файсал номидаги Ислом тадқиқотлари марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг араб тилида нашр этилган «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмади» асарининг тақдими бўлди. Саудия Арабистони Ўзбекистоннинг минтақада тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш, иқтисодийёти юксалтириш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак қадрлайди.

ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани Саудия Арабистонида катта мамнуният билан қабул қилинди. Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги муносабатлар Ислом конференцияси ташкилотини, Ислом тараққиёт банки ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳини доирасида ҳам изчил ривожланмоқда.

2006 йилда Подшоҳ Файсал номидаги Ислом тадқиқотлари марказида «Хоразм Маъмур академияси ва унинг жаҳон илм-фани ривожига тутган ўрни» мавзусида илмий анжуман ўтказилди. Хоразм Маъмур академияси билан мазкур марказ ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

– Сизнингча, Ўзбекистон билан Саудия Арабистони яна қайси йўналишлар бўйича ўзаро фойдаланиш ҳамкорлигини янада ривожлантириши мумкин?

– Ўзбекистон ҳам, Саудия Арабистони ҳам улкан иқтисодий салоҳиятга эга давлатлардир. Юртингизнинг табиий бойликлари, жўрғофий жойлашуви, интеллектуал салоҳияти, қўлай сарможий муҳити, замонавий технологияларни изчил ўзлаштириб бораётгани ҳам қандай мамлакатнинг, шу жумладан, Саудия Арабистони ишбилармонларининг ҳам мамлакатингиз билан ҳамкорликка қизиқишини тобора оширмоқда.

Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасида икки томонлама солиқдан қочиб, сарможларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялашга оид битимлар амал қилмоқда. Ҳукуматлараро қўшма комиссия мунтазам равишда ўз мажлисларини ўтказиб туради. Савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ҳужжат имзоланган.

Ҳамкорликнинг ўзаро манфаатларимизга хизмат қиладиган барча йўналишлари муҳим аҳамиятга эга. Саудия Арабистони нефть экспорти бўйича етакчи мамлакатлардандир. Айни вақтда Подшоҳлик саноат, қишлоқ хўжалиги ва савдо корхоналарига катта маблағ сарфлаган ҳолда, ўз иқтисодийёти молиялашнинг бошқа манбаларини ҳам изламоқда. Саудия Арабистони – турли мамлакатлар иқтисодийётига фаол инвестиция киритаётган давлатлардан. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг мустақамлашида ушбу жиҳат ҳам муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

– Мамлакатларимизнинг гуманитар соҳадаги муносабатлари ҳақида нималар дея оласиз?

– Мамлакатларимиз ўртасида гуманитар соҳадаги ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда. Ўзбекистон асрлар давомида ислом меросини асраб-авайлаб, янада бойитган буюк мутафаккирлар юрти сифатида маълум ва машҳурдир. Биз мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва қардошлик алоқаларини янада жадал ривожлантириш тарафдоримиз.

Ўзбекистонда Саудия Арабистони кунлари, Саудия Арабистонида Ўзбекистон кунларининг ўтказилиши маданий алоқаларимизнинг мустақамлашига бораётганидан далолатдир. Хусусан, жорий йилнинг 25-31 март кунлари Саудия Арабистонида Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон – сайёҳлик соҳасида ҳам улкан салоҳиятга эга мамлакат. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарлар, миллий ва замонавий услубни ўзида мужассам этган, моҳирона услубда қайта таъмирланган ва назик дид билан безатирилган тарихий обидалар, маданий ёдгорликлар, муқаддас қадимлар ҳам қандай сайёҳни мафтун этишига шубҳа йўқ. Мамлакатингизда изчиллик билан амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари юртингиз чиройига чирой қўшмоқда. Бу ерда бунёд этилаётган маҳаббатли иншоотлар, кўркам меҳмонхоналар, кенг ва озода кўчалар, сўйил ва фойзли боғлар кишига маънавий қувват беради. Бу омилилар эса юртингизда сайёҳлик соҳасининг жадал тараққий этишига хизмат қилмоқда. Шу боис бошқа давлатлар катори Саудия Арабистони ҳам мамлакатингиз билан ушбу йўналишдаги ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор.

Иккинчидан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини Саудия Арабистони Подшоҳлиги ҳукумати ва халқи номидан мустақиллик байрами билан чин дилдан муборакбод этаман. Эл-юртингиз омон, осмонинг доимо мусаффо, мустақиллигингиз абадий бўлсин!

Мадина УМАРОВА  
сўхбатлашди

# ИСТИҚЛОЛ, ИСЛОХОТ, ИСТИҚБОЛ



Спорт янгиликлари



Термиз шаҳрида Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шiori остида ўтказилган VI Республика аёллар спорт фестивали якунланди.

Мамлакатимиз хотин-қизларининг спортда эришган улкан ютуқларини акс эттирувчи паннолар, ранг-баранг анвойи гуллар билан безатилган «Алпомиш» спорт мажмуасида бўлиб ўтган фестивалнинг тантанали ёпилиш маросимида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан ташриф буюрган VI Республика аёллар спорт фестивали иштирокчилари ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Тадбирда Сурхондарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Мамарайимов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда аёллар, болалар ва оилавий спортни ривожлантириш, хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш ҳамда барқамол авлод тарбияси йўлида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади. Бундай эътибор ва ғамхўрлик натижасида спорт билан шуғулланаётган хотин-қизлар ва ёшлар сафи йил сайин кенгаймоқда. Республика VI аёллар спорт фестивалида дастлабки йилларда 20 мингга яқин аёл иштирок этган бўлса, бу йил 75 минг аёл унинг ҳудудий босқичларида фаол қатнашгани ҳам шундан далолатдир. Хотин-қизлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг омалашиб бораётгани жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, она ва бола саломатлигини ҳимоялашга хизмат қилмоқда.

«Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шiori остида Термиз шаҳрида ўтказилган мазкур фестиваль иштирокчилари мамлакатимизда босқим-босқим ўтказиб келинаётган «Умид ниҳоллари», «Барқамол авлод», Универсиада спорт мусобақаларининг мантйқий давоми бўлди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар вазириликлари, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Миллий олимпия қўмитаси, «Махалла», Болалар спортини ривожлантириш, «Соғлом авлод учун» жамғармалари, «Камолот» ёшлар иқтисодий ҳаракати, муҳофафа қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур мусобақаларда мамлакатимизнинг барча ҳудудлари-

СПОРТ ФЕСТИВАЛИ — ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

дан келган уч юзга яқин ишчи ва хизматчи, уй бекаси, ўқувчи ва ҳамшира спортчи аёллардан таркиб топган терма жамоалар ўзаро куч сынашди.

— Республика аёллар спорт фестивалида тўртинчи марта иштирок этдим, — дейди Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманидаги «Тўқин» маҳалласидан келган Гулнора Қаландарова. — Спортнинг волейбол тури бўйича мусобақаларда қатнашдик. Маҳалламизда хотин-қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча шароит яратилган. Фестивалнинг финал босқичида «Энг интилувчан жамоа» номинациясида ғолиб чиққанмиздан қувончимиз чексиз. Бундай жайри ишларнинг ташаббускори бўлган Юртбошимиздан миннатдоримиз.

маданий-маърифий тадбирлар, ижодий ўрашув ва концертлар бой таассурот қолдирди.

— Анъанавий ўтказилаётган бундай нуфузли тадбирларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида юртимиз оқолишталари ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ишларнинг бир қисми ҳисобланади. Бундай тадбирларда аёлларимиз ҳам фаол қатнашаётгани қувончлиқдир. Қизларимиз ўртасида спортнинг нафиси тури — бадий гимнастикага қизиқиш кучаймоқда. Гимнастрада, сузиш ва енгил атлетика оммавий спорт турига айланаётди.

Фестивалда умумжамоа ҳисобида Сурхондарё вилояти вакиллари биринчи, Тошкент вилояти жамоаси иккинчи, Тошкент шаҳри спортчи аёллари учинчи ўринни эгаллади.

Мусобақа ғолиб ва совриндорларига тадбир ташкилотчиларининг эсдалик совғалари топширилди.

Фестивалнинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Х.МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА муҳбири

ГАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

Маълумки, 2014 йилда Бразилияда футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Ушбу нуфузли турнирда иштирок этишга аҳд қилган Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси жаҳон чемпионатида саралаш турнирининг дастлабки босқич ўрашувини галаба билан бошлади.

Гал шундаки, «Пахтакор» марказий стадионига йилгилан минглаб мухлислар Ўзбекистон-Қирғизистон терма жамоалари ўртасидаги жаҳон чемпионатида саралаш турнирининг дастлабки баҳси гувоҳи бўлишди. Ўрашувга тўхталишдан аввал, ҳар икки терма жамоанинг халқаро мусобақаларда тўрт марта ўзаро тўқнаш келганини айтиш жоиз. Ана шу беллашувларда ҳар сафар ҳамюртларимизнинг қўли балинд келган. Шунга қарамай Вадим Абрамов футболчиларни саралаш турнири бахсларига жиддий тайёрлади. Терма жамоамиз кўп марта ўқув-йиғин машғулотларида ҳам

руҳий, ҳам жисмоний тайёрликдан ўтди, хориз терма жамоалари билан назорат-ўртоқлик ўрашувлари кўп марта уюштирилди. Хуллас, ушбу тайёрликлар самараси ўлароқ, Қирғизистон терма жамоаси билан келган ўрашувда ҳамюртларимиз тўлиқ устунлик қилишди. Натижада беллашув 4:0 ҳисобида Вадим Абрамов шогирдларининг йирик ҳисобдаги галабаси билан якунланди. Дарвозаларга голларни Гейнрих, Бикмаев, Желаров ва Бақоев йўллашди.

Энди Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида ҳар икки терма жамоа ўртасида саралаш турнирининг жавоб ўрашuvi бўлиб ўтади. Икки йил натижасига кўра ғолиб чиққан терма жамоа жаҳон чемпионати саралаш турнирининг навбатдаги босқичида иштирок этади.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

Ҳар кунни ўқишга қатнайдиған йўлимда кўнгилга илиқлик олиб кирувчи ҳолатлар билан юзма-юз келаман. Бири яхши инсонларнинг чеҳрасига тикилиш, катта ёшдагиларнинг дуосини олиш, талабаларнинг турли мавзудаги тортишувлари бўлса, яна бошқаси шаҳримиздаги коллежлардан бирида деярли кунда-кунора олиб борилаётган оммавий ҳашар ишларидир.

Таълим муассасаларида

ЯШИЛ ГЎЗАЛЛИК ТАШАББУСКОРЛАРИ

Шундай кунлардан бирида дарс бошланиши олдида йўлакча четидан супурги кўтариб турган ўқувчи Лайлони суҳбатга тортидим.

— Бизда ҳар жойда тозалик биринчи ўринда туради, — деди суҳбатдошим. — Масалан, мана шундай озода, гуллар билан бурканган, дараза тоқчаларига гард юкмаган синфда ким ўқишни истамайди? Шу боис ҳаммамиз дарсга вақтида келишга ҳаракат қиламиз. Мен эрта билан соат еттида шу ерда бўламан. Бугун ҳам, таътил бўлишига қарамай, дугонам билан синфимиз орқа томонидаги йўлакни тозалашга киришдик. Очиғини айтганим бўлсам, биз энг яхши кўрган ўқитувчиларимиздан бирининг эътибори биринчи навбатда шу ерга тушади... Бундан ташқари, коллежимизда гуруҳларора ташкил этилган ободончилик ишларида ҳам фаол қатнашамиз.

Лайло каби ёшларимиз мактабгача таълим ва дефектология йўналишида сабоқ олаётган бу даргоҳ Тошкент педагогика коллежидир. Узоқдан назар ташлаб, коллеж ҳовлисидаги кириб келар эканман, атрофга сув сепилгани боис ернинг ўзига хос иси убуриб, кайфиятими янада кўтарди. Чопилган ерга экилган турли ўсимликлар яшил тусда ажойиб манзара ҳосил қилган. Нарироқда дарахт оқлашга киришган ўғил-қизларнинг аҳён-аҳёндаги ҳазиллари ҳам бу манзарани монанд эди. Айнан шундай меҳнатсеварлик сабаб бир қатор саф тортиб турган дарахтлар янада кўркамлашгандай кўринди кўзимга.

Шу онда мендан сўрадилар: табиатни қачон тўлиқ ҳис этиш мумкин? Албатта, ерга гиламдек тўкилган гуллар, ям-яшил майсалар ва бу гўзалликни қадрлай оладиган инсонлар даврасида, деб жавоб қайтардим. Ҳа, бу коллежда озодлик ишлари кунда авжида эканлигини кузатиш мумкин. Шу билан бирга бу маскандаги иқтидорли ўқувчилару ишбилармон ўқитувчиларнинг меҳнати муносиб баҳоланаётганлигига гувоҳ бўлдик. Коллеж 1998 йилда ташкил этилган ва бугунги кунда ўрта бўғиндаги таълим муассасалари орасида ўз ўрни, қолверса, ўз макенига ҳам эга. Малякали ўқитувчиларнинг омалаштирилган рисоалари фикримиз исботидир. Кейинги тўрт йил ичида коллеж ўқитувчилари томонидан яратилган қирқта ўқув-услубий қўлланма турли хил тўплам, газета ва журналларда чоп этилган, 100 га яқин услубий тавсиялар илмий-педагогик кенгаш қарори билан тасдиқланди, таълим ҳараёнига кенг жўриқ берилди. Охириги уч йил ичида эса ўқитувчилар 12 марта халқаро илмий-амалий конференцияларда маърузалар билан қатнашган. Коллеж ўқитувчиси Дилбар Қаримова 2008 йилда «Шўхрат» медали билан тақдирлангани ҳамма учун фахрлидир.

Бу каби ютуқларнинг давоми ўлароқ ўқувчиларнинг ҳам муваффақиятлари талайгина. Жумладан, ўтган йилда улар «Наврўз ва қадриятлар» кўрик-танловнинг шаҳар босқичида биринчи ўринга сазовор бўлган, «Барҳаёт анъаналар» фольклор фестивалининг республика босқичида эса олий мукофотни қўлга киритишган. Бундан ташқари, коллеж жамоаси Чилонзор туманидаги «Оқтепа» маҳалласида ободонлаштириш ишларида фаол қатнашиб, спорт майдончаси ва «Ташаббускор ёшлар» боғини яратгани учун тегилиб кўриқда иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Ҳа, дунёда тенгсиз юртимизнинг асл ёшлари шундай, ҳар ишга ташаббускорлик билан ёндошишларидан ким ҳам қувонмайди дейсиз?! Айниқса онгиде экологик маданият шаклланган ёш авлод вакилларининг кўча-кўйда баъзида табиатга нисбатан кузатилаётган оддий эътиборсизлик, мисол билан айтганда, эндигина кўртак ота бошлаган новдалар синдирилаётганига жимгина қараб турмаслигидан гурурланасан киши.

Тошкент педагогика коллежиде яратилаётган яшил гўзалликнинг «Эзгулик боғи» деб ном олиши ҳам бежиз эмас. Эзгу гояларни ўзида мужассам этган ёшлар боғидан, у ердаги дарахтлар соясидан келгуси авлодлар ҳам баҳраманд бўлиши, шубҳасиз.

Маъмура ЁҚУБОВА,

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси



дорлик жамияти қўшма корхонаси қасаба уюшма қўмитаси раиси Рустам Турсунов. — Бу каби спартакиада ўйинларини болажонлар ўртасида дўстона алоқаларни ўрнатиш, шу орқали ёшларни келгусида катта куч бўлиб юрт равнақи йўлида биргалликда ҳаракат қилишга ундайди деган мақсадда ўтказиб келаётимиз. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш йўлида бугунги кунда қилаётган барча саъй-ҳаракатларимиз келажакда ўз самарасини беришига ишончимиз қомил.

Сабоҳат ЯРАШЕВА

Сўлим оромгоҳларда СОҒ ТАНДА — СОҒЛОМ АҚЛ

«Алоқачи», «Нилуфар» оромгоҳлари ўртасида спартакиада мусобақалари ташкил этилди.

Турнир доирасида мини-футбол, волейбол ҳамда стол тенниси, 25 метр масофага сузиш бўйича дўстона бахсларнинг олиб борилганини ўсмирларнинг қалбини завққа тўлдирди.

— Менга оромгоҳ жуда ёқди. Сўлим тоғ бағрида дам олаётганлигимдан хурсандман. Оромгоҳда ўртоқларим янада кўпайди. Жисмонан тетиклашдим, — дейди «Алоқачи» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ёзги таътилининг унумли ўтаётганлигидан қувонган Темура Фафуров. — Ёшим 13 да. Тошкент шаҳридаги 182-мактабда таҳсил оламан. Спортнинг

муайтай тури билан 6 йилдан буён мунтазам шуғулланиб, кўплаб турнирларда иштирок этиб келаётиман. Шунингдек, яқинларимнинг маслаҳатига кулоқ тутиб фортепиано сирларини ўзлаштиряпман. Спорт танани чиниктирса, мусиқа руҳий оламимни гўзаллаштиради. Бўлиб ўтган мусобақада кўплаб дўстлар орттирдим. Келгуси йилда ҳам шу оромгоҳга келиш ниятидамман.

— Болажонларнинг қалблари шодликка тўлаётганлигини кўриб, улар учун янада кўплаб имкониятлар яратгимиз ва шу йўл билан уларнинг порлоқ келажаги учун ўз ҳиссамизни қўшимиз келади, — дейди «Ўзқабел» очик акция-

Мақтаб ўқувчиларининг ёзги дам олиш вақтларининг мазмунли ўтишини таъминлаш қасаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу каби хайрли ишларни амалга оширишда эса шаҳар корхоналари ва ташкилотлари тасарруфидаги соя-салқин, сўлим гўшаларда жойлашган оромгоҳларнинг ташкил этилгани қўл келади.

Ёш авлоднинг соғлигини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун дам олиш масканларида мунтазам равишда кўплаб ўйинлар ўтказилади.

Айниқса, анъанага айланган оромгоҳларора спартакиадларининг ташкил этилиши дам олувчилар ўртасида спортнинг оммавийлигининг ошиши ҳамда гулгунчаларнинг қобилияти бўлиб улғайишлари йўлида муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Бўстонлик туманининг Хондайлик қишлоғи ҳудудида жойлашган «Зилола» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ҳам ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллиги байрамига бағишланган тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Унда мазкур дам олиш маскани ҳамда яқин атрофда жойлашган



Бош муҳаррир Ақмал АҚРОМОВ  
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.  
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563  
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бoшқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.  
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.  
2981 нуска босилди.  
Қозғоқ бевони А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.  
Газета таҳририят компьютер нархизда терилди ва сақланади.  
Нашр учун масъул Д. Исроилов  
«Шарк» нашрийт-натиба акциядорлик компанияси босмаханаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.